



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 11 март, № 49 (8944)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ФРАНЦИЯГА БОРАДИ

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Шавкат Мирзиёев  
Франция Республикаси Президенти  
Эммануэль Макроннинг тақлифига  
биноан 11 — 13 март кунлари  
давлат ташрифи билан  
ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф доирасида Париж шаҳрида олий даражадаги музокара ва тадбирлар, Франциянинг расмий ва ишбилармон доиралари билан қатор учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган.

Бўлажак мулоқотлар кун тартибидан кўп қиррали Ўзбекистон — Франция муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари ўрин олган.

Савдо-иқтисодий ва инвестиция-молиявий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, Франциянинг етакчи компания ва корхоналари билан кооперация лойиҳаларини илгари суришга устувор эътибор қаратилади.

Саммит якунида ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар тўпламини қабул қилиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари ЮНЕСКО Бош

директори Одри Азуле билан учрашиб, ташкилот Бош конференциясининг 43-сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни жорий йилнинг кузида Самарқанд шаҳрида ўтказишнинг амалий жиҳатларини муҳокама қилади.

Бўлажак ташриф арафасида кўплаб тадбирлар ўтказилаётганини таъкидлаш жоиз.

Хусусан, 1 март куни Гретц-Арменвиль шаҳридаги “Ураноскоп” обсерваторияси ҳудудига буюк аллома Абу Райҳон Беруний сиймоси акс этган ёдгорлик очилди.

Шу кунларда Париж шаҳрида соғлиқни сақлаш, фан ва таълим, маданият, туризм ва бизнес соҳаларида форум ва анжуманлар ўтказилмоқда. Тулуза, Лион ва Ниццада қўшма ишбилармонлик тадбирлари бўлиб ўтади.

ЎзА.

Уй-рўзгор ишлари ва фарзанд тарбиясидан ортиб, таълим олаётган, меҳнат қилаётган ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари, десак, тўғри бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## Янги Ўзбекистоннинг бунёдкор аёллари



Аёл — жамият ойнаси, миллат тарбиячиси. Унинг меҳр-муҳаббати, тарбияси эртаимиз эгаларининг жонажон Ватанимиз равнақи ва осойишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлида садақат билан хизмат қиладиган баркамол инсонлар сифатида вояга етишида муҳим омил ҳисобланади. Шу маънода, кўп миллатли юртимизда 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами кенг нишонланди. Бу йилги қутлуг байрамнинг муборақ Рамазон ойида бўлиб ўтгани эса унинг эзгу руҳи ҳамда мазмунини янада оширди. Айтиш жоизки, ушбу айём муносабати билан Президентимизнинг

шу йил 3 мартдаги қарорига биноан 28 нафар қиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан, 4 мартдаги Фармонга мувофиқ эса меҳнат фаолияти ҳамда жамоат ишларида катта натижаларга эришган бир гуруҳ аёллар ордени ва медаллар билан тақдирланди.

Ана шундай юксак мукофотларга сазовор бўлган хотин-қизлар бугунги ислохотлар, жумладан, юртимизда аёлларга муносабат ва юксак эътибор ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

2-саҳифага қаранг. ➔

### 2025 йил давомида:

- аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича **4 босқичли** янги тизим йўлга қўйилади;
- “аёллар дафтари”га киритилганларнинг ҳар бири билан манзилли ишлаб, ногиронлиги бўлган **162 минг** нафар аёлга санаторий, шифохона ва ўзлари яшаётган маҳаллада тиббий ёрдам кўрсатилади;
- боқувчисини йўқотган **130 минг** нафар хотин-қизга моддий ёрдам берилади, яна **6 минг** нафар аёлнинг уй-жой шароитлари яхшиланади;
- **1,5 миллион** нафар хотин-қизда саратон касаллигини эрта аниқлаш мақсадида скрининглар ўтказилади;
- маҳаллалардаги **4 миллион** хотин-қиз оммавий спорт мусобақаларига жалб қилинади;
- **250 минг** нафар қиз олий таълимга қамраб олинади;
- оғир шароитли оилалардаги иқтидорли ёшларни хорихда ўқитиш бўйича “**Ёрқин келажак**” лойиҳаси татбиқ этилади;
- **2 миллион** нафар аёлнинг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

### Акс садо

## ҲАР БИР ФУҚАРО ЗИММАСИДАГИ БУРЧ

Сўнгги йилларда юртимизда коррупцияга қарши курашиш йўналишида муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш фаолиятини кучайтириш, парламент палаталарида тегишли кўмиталар ташкил этиш орқали назорат механизми такомиллаштирилди.

Давлатимиз раҳбари коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йўналишда ҳам коррупцияга қарши кураш масаласини давлат тараққиёти ва жамият барқарорлиги учун энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб, бу борада қатъий чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Йиғилишда коррупциянинг рақамли кўринишларига қарши курашишда замонавий ёндашувларни жорий этиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Сир эмаски, бугунги рақамли

асрда коррупциянинг янги, мураккаб шакллари, жумладан, киберкоррупция кенг тарқалмоқда. Бу эса нафақат давлат бошқаруви ва бизнес муҳити, балки жамиятнинг ҳуқуқий маданияти учун ҳам жиддий таҳдид тугдирди. Шу мақсадда, янги ўқув йилидан Ички ишлар ва Хуқуқни муҳофаза қилиш академияларида киберкоррупцияга қарши кураш бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилади. Айни чоғда Сенат томонидан киберкоррупцияга қарши курашиш бўйича махсус қонунчилик ташаббусларини илгари суриш масаласи кўриб чиқилади. ➔

### Сенат қўмитасида

## ЭЪТИБОРДАГИ МАСАЛАЛАР ҚАМРОВИ КЕНГ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан ўтган уч ой давомида ўтказилган 7 та мажлисда 12 та масала кўриб чиқилди.

Жумладан, қонун ижодкорлиги фаолияти йўналишида қўмита томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги, “Озик-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги ҳамда “Донорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонунлар кўриб чиқилди ва ялпи мажлисларда сенаторлар томонидан маъқулланди.

Қонунчилик ташаббуси доирасида қўмита ишчи гуруҳи томонидан “Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунни такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқилмоқда. ➔

Назорат-таҳлил фаолияти йўналишида қўмита томонидан 4 та масала ўрганилди. Хусусан, палма ёғи ва унинг таркибидан озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланишни камайитириш тўғрисидаги масала масъул вазирлик, тегишли тақлифлар тайёрланди.

Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун ижроси ҳолати ўрганилди. Бу жараёнда аниқланган ҳолатлар муҳокама этилиб, тегишли топшириқларни ўз ичига олган қўмиталарнинг қўшма қарори қабул қилинди. ➔

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси киритилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик, жамоатчилик назоратини амалга ошириш натижалари бўйича тайёрланган якуний ҳужжатни кўриб чиқмаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланапти.

Шунингдек, ННТ фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлари, уларнинг ваколатхоналари ва филиалларининг давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолиятини амалга ошириш, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган рамзий белги-

ларни ишлатиш, тадбирлар ўтказиш ҳақида хабардор қилиш тартибига риоя этмаслик, ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим қилиш тартибининг муқаддаслигини бузиш учун жарима миқдорлари камайтирилмоқда.

Қонун лойиҳасида “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунга нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан олинган пул маблағлари ва мол-мулкдан фойдаланиш тўғрисидаги ахборотни ўз расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида ёки ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилиб бориш бўйича қоида ўз аксини топмоқда. ➔

## ҲАЛОЛЛИКНИНГ ҲИДОЯТИ ИБРАТ ЭРУР

### Даъват

Энг аввало ўтинчим шу — уйғонайлик, Пок тилаклар шуқуҳига чулғонайлик, Ҳақиқатнинг ўчоғида чулғанайлик, Қайси дилда инсоф устун, ор устундир, Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир!

Ўзга ҳақи ўзгага ҳеч вафо қилмас, Ким қафилдир у боланга жафо қилмас. Сир бормикин, бу дунёда Худо билмас, Хиёнат, бу — ҳимоясиз бир тутундир, Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир!

Оламдаги тиниқ кўзгу — халқ кўзгуси, Унда ҳатто кўрингайдир дил туйғуси, Ҳақдан кўркиб, ким халқидан уялгуси, Гуноҳ қилмас, майли очдир ё юпундир, Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир!

Коррупция лаънатланган иллат эрур, Ҳалолликнинг ҳидояти ибрат эрур,

Эл дуоси эллар аро ҳикмат эрур, Дуо олган қалб хотиржам, юз гулгундир, Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир!

Миллий кенгаш — миллат қадрин қалқонидир, Кенгашмоқлик — одилликнинг имконидир, Кенгаш тутмоқ — Амир Темури фармонида, Ҳар муаммо кўнгул ичра бир тугундир, Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир!

Олма пишиб оғзимизга ўзи тушмас, Бир қанотда ахир, ҳатто чивин учмас, Бугун бизга бирлик керак, бошқа ишмас, Халқ бирлашса, Чўлпон айтган — “халқ тўлқиндир” Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир!

Ҳаромхўрлар очиб қўйган туйнуқлар бор, Эл-юрт мулкин “туя қилмоқ” уларга бор, Билмайдилар озор йўлини ёни мазор, Буюрмас олтин — тошдир, пул — кукундир, Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир!

Яқин тарих ўзбек учун хорлик минг бад, Не азоблар, не каззоблар кўрди миллат. Қотилларни ургай, албат, тавқи лаънат! У ўтмишга боқсанг ҳамон дил забундир, Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир!

Коррупция, — таъкидлади эл султони, — Бу жамият танасининг саратони. Бўлса агар одамзоднинг пок иймони, Билсин, дўзах оловишга шу учкундир, Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир!

Қайси элда мезбон одил — яйраб кўнок, Қайси юртда тараққиёт — поклик чирик, Ўзбек шундай, бор дунёга очар кучок, Бўқун янги Ўзбекистон бир ёлқиндир, Ҳақиқатнинг ҳимояси халқ учундир!

Маҳмуд ТОИР,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси,  
Ўзбекистон халқ шоири.

## ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА ҲАВО МУСАФФОЛИГИ ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНАДИ

Юртимизда экологик хавфсизликни таъминлаш, инсонлар соғлиғига зарарли таъсирларнинг олдини олиш, санитария ва экологик ҳолат сифатини яхшилаш учун қулай шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

### Фикр

Бироқ шунга қарамай шаҳар ҳудудларида чанг кўтарилиши ҳолатлари тез-тез учраб, ҳаво таркибида майда дисперс зарраларни белгиланган меъёрдан юқори эканлиги фуқароларнинг турмуш тарзи, ҳаёти ва соғлиғига салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Мазкур ҳолатларнинг юзга келишига қурилиш майдонларидан чанг ва қум зарраларининг шомол орқали ҳаво-

га кўтарилиши ҳам сабаб бўлмоқда. Таҳлилларга кўра сўнгги уч йилда қурилиш объектлари сони 3 баробар ошган бўлиб, агар ҳеч қандай профилактик чоралар кўрилмаса, 500 кв. метрлик очик қурилиш майдонидан йилига ўртача 20 — 50 тоннагача чанг ва қум зарралари ҳавога кўтарилиши мумкин. Ушбу вазият бевосита атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашишига сабаб бўлади. ➔

# Янги ўзбекистоннинг бунёдкор аёллари



Х. ПАЙДОЕВ олинч суратер.

## Ишончи фидокорона меҳнатим билан оқлайман

**Гулзар МАМБЕТНИЯЗОВА,**  
Чимбой тумани ҳокимининг ўринбосари — оила ва ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, «Дўстлик» ордени соҳибаси:

— Кейинги йилларда Президентимиз бошчилигида Қорақалпоғистон Республикаси ҳар томонлама ривожланмоқда. Биргина Чимбой туманида амалга оширилётган бунёдкорлик ишлари, ўзгаришлар бунинг яққол мисоли. Хусусан, эҳтиёжманд аёлларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, уларнинг оилада ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, лидерлик қобилиятини юзага чиқариш борасида самарали ишлар амалга оширилади. Бу каби саъй-ҳаракатларда туманимиз хотин-қизлари ҳам фаоллик кўрсатиб келаяпти. Аёлларнинг бахтли, бугундан рози бўлиб яшашини таъминлаш кундалик вазифамизга айланган.

Бу ҳақда гап кетганда, давлатимиз раҳбарининг агар аёл бахтли бўлса, оила бахтли бўлади, оила бахтли бўлса, бутун жамият, давлат мустақкам ва барқарор бўлади, деган таъкидини бот-бот такрорлагим келади. Маҳаллаларда аёлларнинг шароитини яхшилаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ҳам жамоамиз ушбу ўнгитларни фаолиятимизнинг асосий мезони қилиб олган.

Камтарона меҳнатимни юқори баҳолаб, Президентимиз Фармони билан «Дўстлик» ордени билан мукофотланганимдан бошим осмонга етди. Бу бутун чимбойлик хотин-қизларга бўлган юксак эътибор, деб биламиз ва билдирилган ишончини ўзимизнинг амалий меҳнатимиз билан оқлаймиз.

## Камтарона хизматимиз юзага чиқди

**Мавлуда САЛИҲОВА,**  
Бухоро вилоятидаги «Ойдин Нур» оилани ижтимоий ҳимоялаш маркази эксперти, «Дўстлик» ордени соҳибаси:

— Фаолиятимизни 1999 йилда бошлаганимиз. Турли халқаро ташкилотлар, шунингдек, савобталаб инсонлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Оғир ижтимоий аҳволда қолган, муҳофазага муҳтож, оилавий зўравонлик, одам савдоси қурбони бўлган, жабрдийда меҳнат муҳожирлари ёки илгари судланган, аккаёғиз аёллар ҳамда вояга етмаган, ота-онасиз болаларга бепул хизмат кўрсатишмоқда. Уларни вақтинчалик яшаш жойи, яъни бошлана билан ҳам таъминлаяпмиз.

Шу пайтга қадар 1 минг 300 дан зиёд аёллар ва уларнинг вояга етма-

ган фарзандлари бу хизматдан фойдаланди. Судларда адвокатлар орқали салкам 300 нафар аёлнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқлари тикланди. Инқироз ҳолатига тушиб қолганларга психологик хизмат ҳам кўрсатяпмиз. 250 нафардан зиёд эҳтиёжманд, зўравонликка учраган аёллар турли ўқув курсларида ўқитилиб, касб-хунар эгасига айланди.

Бу йилги байрам арафасида «Дўстлик» ордени билан тақдирланган фаол хотин-қизлар қаторида эканлигимдан бошим кўкка етди. Юртбошимизнинг бизга билдирган ишончини оқлаш йўлида куч-ғайратимизни аямаймиз.

## Хонадонларимизга қут-барака келди

**Гулчеҳра ҚАРШИБОВА,**  
Боёвот туманидаги «Болғали Қилич ака» фермер хўжалиги раҳбари, «Шухрат» медали соҳибаси:

— Она-заминимизнинг саховати чексиз. Бугунги кунда хўжалигимизнинг 88 гектар экин майдони бўлса, ана шу мўл ҳосил манбаи бўлмиш замин 32 нафар маҳалладошимнинг доимий иш жойи ҳам ҳисобланади. Мавсумий ишларда ишчиларимиз сони янада ортади.

Эътиборлиси, ерни эъзолаган, унга меҳр бериб юқори ҳосил олган деҳқон борки, халқимиз ва давлатимиз томонидан муносиб қадрланиб келинади. Айни юксак эътибор ва эъзозга сазовор бўлганлар қаторидалигимдан мамнунман. Икки йил аввал «Ишбилармон аёл» танлови голиби бўлганим,

бу йил эса 8 март арафасида «Шухрат» медали билан тақдирландим. Бундан нафақат менинг, балки жамоамиз аъзоларининг ҳам боши кўкка етди.

Дарвоқе, фермер хўжалигимизда кейинги уч йил давомида пахта ҳосилдорлиги 25 — 30 центнердан 32 — 40 центнерга кўтарилди. Даромадимиз ҳисобидан иккита трактор, учта тиркама, «BYD» русумли электромобиль ва бир қатор қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилдик. Галладан ҳам мўл ҳосил оляпмиз. Хуллас, халқимизнинг «Сен ерни боқсанг, ер сени боқади» деган нақлига амал қилиб кам бўлмаяпмиз.

## Маърифатли оила жамиятнинг бахти ва фароғати

**Марямхон ЙҮЛДОШЕВА,**  
Қўштепа тумани ҳокими ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, «Шухрат» медали соҳибаси:

— Қарийб 40 йил таълим, маънавият соҳасида меҳнат қилиб, элу юрт ҳурматига сазовор бўлдим. Икки йилдирки, ушбу масъулият вазифада фаолият кўрсатмоқдаман. Албатта, маърифатли оила жамиятнинг бахти ва фароғатидир. Айни жиҳатларни инобатга олиб, туманда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, «маҳалла — оила — мактаб» ҳамкорлигини яхшилаш, ҳар бир оилада ёшлар миллий қадрият ва анъаналаримиз асосида улғайишига эришишни ўзимга устувор вазифа сифатида белгилаб олганман.

Биргина ўтган йилнинг ўзида туман ва маҳаллаларда ташкил этилган Оилавий кадрларнинг мустақкамлаш комиссияси ҳамда «Оқила аёллар» жамоатчилиги тузилмалари кўмағида 531 та оиланинг муаммолари ўрганилди ва ажрим ёқасига келиб қолган ёшларнинг оиласи тикланди. Натижада ўнлаб фарзандлар тўлиқ оилада тарбия топиши учун шароит яратилди.

Ўтган йили «аёллар дафтари»нинг бешинчи босқичи доирасида туманда 6,5 минг хотин-қизнинг бандлиги таъминланиб, асосий ва қўшимча ёрдамлар кўрсатилди. Эзгу мақсадлар учун 3 млрд. 410 млн. сўм сарфланди. Жорий йилда ҳам мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилади.

Бу йил хотин-қизлар байрами менга ва оиламга қўшалоқ хурсандчилик олиб келди. Айём арафасида давлатимиз раҳбари Фармонига кўра, «Шухрат» медали билан тақдирландим. Камтарона фаолиятимнинг бундай юксак эътибор этилиши менга янада ғайрат-шижоат бағишлади. Бундан буён ҳам юрт равнақ-ривожи йўлида хизматда астойдил камарбастаман.

Факт ва рақамлар

## ШИЖОАТЛИ, ИШБИЛАРМОН, ОЛИМА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЮТУҚЛАРИ

Ҳозирги кунда мамлакатимиз хотин-қизлари турли соҳа ва тармоқларда Ватанимизнинг жадал тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Буларни рақамларда қуйидагича йўналишларга бўлиш мумкин:

### Давлат бошқаруви тизимида

— 2017 йилда бошқаруви соҳасида хотин-қизлар ўртача 20 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирда бу рақам 35 фоизга етди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизи, Сенат аъзоларининг 27 фоизи аёллардир.

### Илм-фан жабҳасида

— Ҳозирги вақтда 6 минг 200 дан ортиқ хотин-қизлар илмий фаолият билан шуғулланиб, илмий ишланмаларнинг 25 фоизини олима аёлларимиз яратаяпти.

### Спорт йўналишида

— Ўтган йили Олимпия ва Паралимпия ўйинларида мамлакатимиз делегацияси таркибидаги аёл

спортчилардан 3 нафари олтин, 8 нафари кумуш, 3 нафари бронза медалини қўлга киритди.

### Маданият ва санъат соҳасида

— 2024 йили маданият ва санъат соҳасидаги нуфузли халқаро танловларда 25 нафар, мамлакат миқёсидаги кўрик-танловларда эса 71 нафар истеъдодли қизларимиз голиб бўлди.

### Тадбиркорлик тармоғида

— Ўтган йилнинг ўзида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш мақсадларига 17 триллион сўм кредит ажратилди. Натижада аёл тадбиркорларимиз 81 триллион сўмлик маҳсулот яратиб, 450 миллион долларлик экспортни амалга оширди.

## Замон билан ҳамнафаслик саодати

**Навбахор ТУРСУНОВА,**  
Жомбой туманлараро иқтисодий суди раиси, «Содиқ хизматлари учун» медали соҳибаси:

— Бугун жамиятнинг ҳеч бир соҳасини хотин-қизларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Суд тизимида аёллар сонининг кўпайиши мазкур тузилмада адолатнинг янада мустақкамланишини таъминламоқда. Чунки аёл нафақат судья, балки она ҳамдир. Шу маънода, у одамларни яхшироқ тушунади.

Бугунги кун аёли жамиятнинг қайси бир тармоғига мансуб бўлишдан қатъи назар, замон билан

ҳамнафас бўлиш учун ўқиб-излашни ва билим савиясини мунтазам ошириб бориши керак. Зотан, билим, меҳнат ва қобилият ҳар доим ҳам муҳим. Вазифани виждонан, садоқат билан бажарган киши ҳурмат ва эътибордан четда қолмайди.

Жорий йилда давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармонига кўра, «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирландим. Ўз

навбатида, бу менга янада катта масъулият юклади. Зеро, давлатимиз раҳбари айтганидек, бугун ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки унинг фаол иштирокчиси ва ташаббускори ҳисобланади. Бу эса биздан доимий равишда малака оширишни, ўз билимларимиздан унумли фойдаланиш, жамият ҳаётида фаол иштирок этишни талаб қилади.

## Ўзимни имконияти чекланган деб ҳисобламайман

**Махлиё ЙҮЛДОШЕВА,**  
хунарманд-тикувчи, «Шухрат» медали соҳибаси:

— Ҳузур туманининг Хумдон маҳалласида яшайман. Тақдир тақозоси билан 23 ёшимда ҳасталаниб, юролмай қолдим. Аслида, ёш бўлатуриб бундай вазиятга тушиш жуда оғир. Дастлаб тушкунликка тушиб қолган вақтлар ҳам бўлди. Шукрки, атрофимдаги мени қўллаб-қувватлашга тайёр яқинларим, яхши инсонлар кўмағи билан ёшлиқда ўрганган хунарим — тикувчиликни йўлга қўйдим.

2019 йилда «Шўртангазкимё» мажмуасига касаначи бўлиб ишга ўтдим. Шу билан бирга, ёшларга, ишсиз хотин-қизларга тикувчилик хунарини ўргатишни йўлга қўйдим. Ҳозир йилига 60 — 70 тагача шогирд тайёрлаб, уларнинг ҳам касб-корли бўлишига кўмаклашмоқдаман.

Очиғи, бугун ўзимни имконияти чекланган деб ҳис этмайман. Бу ҳақда ўйлашга вақтим ҳам йўқ — доимо жамиятнинг қайноқ нуқтасидан. Олдимда режаларим, амалга оширишим керак бўлган ишларим жуда кўп. Байрам арафасида берилган «Шухрат» медали янада катта мотивация, куч ва шижоат бағишлади. Бу юксак эътиборни, қолаверса, шу лаҳзаларда қалбимда кечган ҳиссиётларни ҳеч қандай сўз билан таъриф этиб беролмайман. Кучим, имконим бор экан, меҳнатим билан Президентимиз ва халқимизнинг ишончини оқлашга ваъда бераман.

## Одамлар саломатлиги — энг олий мақсадим

**Дилдора ИСМОИЛОВА,**  
Қўшқўпир туманидаги «Шерзодбек шифо клиникаси» бош шифокори, «Соғлом турмуш» медали соҳибаси:

— Дунёда инсон саломатлигидан бебаҳо бойлик йўқ. Кейинги йилларда мамлакатимизда «Тиббиёт инсон қадрини учун» тамойили асосида амалга оширилган ислохотлар натижасида аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш сифати кескин яхшиланди.

Клиникамизда реанимация, хирургия, гинекология, неврология, ички касалликлар, стоматология, инструментал диагностика ва болалар бўлимига мавжуд. Қирқ нафардан ортиқ ходимлар фаолият олиб боради. Охириги ярим йилда клиникамизда 10 мингдан зиёд ҳамюртларимиз даволаниб, саломатлигини тиклади.

Бугунги кунда энг илгор тиббий диагностика ҳамда даволаш ускуна-

ларини харид қилиш, янги даволаш услубларини жорий этиш мақсадида хорижий ҳамкасбларимиз билан доимий мулоқотда бўлиб, тажриба алмашиб бораёпмиз. Клиника фаолиятини янада кенгайтириш бўйича яқин истиқболга мўлжалланган режаларимиз бор.

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан давлатимизнинг юксак мукофоти — «Соғлом турмуш» медали билан тақдирландим. Бу нафақат мен, балки барча тиббиёт соҳаси ходимларига берилган яна бир улкан рағбат, деб биламан. Юксак мукофот менга ҳамда бутун жамоамизга жуда катта масъулият, шу билан бирга, янги ҳаёт ва куч-ғайрат бағишлади.

## Изланганга шароит бор

**Фотима БОЕВА,**  
Паркент туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор, «Шухрат» медали соҳибаси:

— «Аёллар дафтари» маҳалла тизимида амалий ислохотларни бошлаб, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишсиз хотин-қизлар учун наҳот воситасига айланди. Зотан, у орқали хотин-қизларга берилаётган имкониятлар мен каби уй бекаларини тадбиркорга, ишбилармон аёлларга айлантирди.

2022 йили имтиёзли равишда 29 миллион сўм кредит олдим. Маҳаллий фермерлардан майиз харид қилиб, навлар асосида қадоқланган маҳсулот сотувини йўлга қўйдик. Излаганга имкон, истаганга шароит бор. Меҳнатимиз ортиси бир неча йил давомида қайтарилиши лозим бўлган кредитни муддатидан олдин қайтардик. Соф даромад ҳам чакки эмас.

Яқинда яна кредит олдик. Намунали мижозга банк ҳам ишонар экан, 50 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит нақд шаклда берилди. Натижада яна

ўндан зиёд аёллар ишли бўлди. Улар ўз уйларида чикмай узумни қуритиб, майизни қадоқлаб, ҳар ойда 3-4 миллион сўм даромад топиш имконига эга бўлди.

Даромаддан ўзимга қоладигани ҳам чакки эмас: йилига 100 миллион сўм. Шунинг ортидан шароитимизни яхшиладик, тўйлар қияпмиз, ўғлимни ҳам, келинимни ҳам ўқитяпмиз. Бунинг барчаси давлатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик туялиди.

Эндиликда маррани янада баланд олиб, кўпроқ даромад олиш, қўшимча янги иш ўринлари яратиш учун ҳаракат қиламиз. Зотан, бунинг учун мамлакатимизда имконият, шароит, энг муҳими, эътибор ҳамда рағбат бор.

«Халқ сўзи».

Ҳар йили «Ёрқин келажак» лойиҳаси доирасида камида 200 нафар қиз дунёнинг нуфузли олийгоҳларига ўқига юборилади.

### ЭЪТИБОРДАГИ МАСАЛАЛАР ҚАМРОВИ КЕНГ

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати Фарғона вилояти мисолида ўрганилди ва унинг натижалари халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши билан кўмитанинг кўшма йиғилишида муҳокама қилиниши режалаштирилган.

Бундан ташқари, болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатининг ҳолати кўмита томонидан тузилган ишчи гуруҳ иштирокида дастлабки тарзда кўриб чи-

қилди. Муҳокама натижасида ушбу масаланинг долзарб ва кенг қамровли эканлиги инобатга олиниб, ҳудудларга чиққан ҳолда комплекс тарзда ўрганиш ўтказилмоқда.

Маҳаллий Кенгашлар билан ишлаш йўналишида кўмита томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича доимий комиссиялари аъзоларининг иш фаолиятини самарали ташкил этиш, уларнинг асосий йўналишлари бўйича аниқ режаларни белгилаш, вақолатлари доирасида муҳим масалалар-

ни муҳокама қилиш ва аниқ натижаларга эришиш, соҳа бўйича қонунчиликдаги янгиликлар, ўзгаришлар юзасидан билим ва кўникмаларини ошириб бориш бўйича 2 мартаба семинар ўтказилди.

Кейинги пайтларда нодавлат таълим муассасаларида болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари кузатилаётганлиги сабабли Мактабга ва мактаб таълими вазирлигига болаларга нисбатан содир этилаётган зўравонлик сабабларини изоҳлаш ва олдини олиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар

ҳақида маълумот беришни сўраб сенатор сўрови юборилди.

Кўмита аъзолари доимий равишда халқ билан мулоқотда бўлиб, уларнинг муносабатларини эшитиб бормоқда.

Хусусан, Жиззах вилоятининг Бахмал туманида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар якунига етказилмай қолганлиги ҳақидаги масалага Сенатнинг 4-ялчи мажлисида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги масъулларининг эътибори қаратилди. Бугунги кунда ушбу ҳудудда ишлар бошланган ва унинг ижроси ҳолати Сенат назоратига олинган.

«Халқ сўзи».



### ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

Бундан ташқари, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуларга фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимида институционал яхлитлик таъминлигини, давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларига ажратилган бюджет маблағларини бошқариш, шу жумладан, адолатли тақсимлаш, мақсадли фойдаланилишини назорат қилишнинг янги тартиби жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

### ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИГА ВАКОЛАТЛАР БЕРИЛАДИ

Қонунчилик палатасига аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилди.

Қонун лойиҳаси билан айрим нотариал ҳаракатлар ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига берилиши тақлиф этилмоқда.

Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг ижтимоий ёрдам ва хизматлардан фойдаланиш тўғрисидаги аризалардаги имзолари, агар “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан ҳақиқийлиги текширилган бўлса, нотариал шаҳодатлаш талаб этилмаслиги назарда тутилмоқда.

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ариза бевуқоқлигини уларнинг розилиги асосида банк сирини ташкил этувчи маълумотларини ахборот тизими орқали электрон тарзда олишга ва ишлов беришга ҳақли эканлиги белгиланмоқда.

### НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Қонунчилик палатасига ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилди.

Қонун лойиҳасида қурилиш соҳасида назорат қилувчи орган томонидан шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳаларида ногиронлиги бўлган шахсларга шартлар яратиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳага амал қилган ҳолда қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома берганлик учун жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Шунингдек, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари, ижтимоий инспекция ходимлари фаолиятига тўсқинлик қилиш, уларнинг қонуний талабларини бажармаслик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

### ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ БЕЛГИЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига “Ҳуқуқий эксперимент тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилди.

Муайян соҳада экспериментал-ҳуқуқий нормаларни қўллаш, самарадорлигини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг натижасида юзага келган ёки келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатларни ўрганиш ва баҳолаш орқали самарали ҳуқуқий нормаларни амалиётга жорий этиш лойиҳанинг асосий мақсади ҳисобланади.

Қонун лойиҳасида конституциявийлик, қонунийлик, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг устуворлиги, жамоат осойишталиги, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда уларнинг устуворлиги, ошқоралик, асосланганлик ва долзарблилик ҳуқуқий экспериментнинг асосий принциплари сифатида белгиланмоқда.

Шу билан бирга, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш шакллари ва усуллари, уни ташкил этиш ва ўтказиш тамойиллари (шартлари), ҳуқуқий эксперимент натижаларини баҳолаш тартиби ва натижаларни расмийлаштириш бўйича талаблар назарда тутиляпти.

«Халқ сўзи».

### Акс садо

## Коррупцияга мурасисиз ёш авлодни тарбиялаш — устувор вазифа

Бугунги кунда коррупция муаммосига жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатига дуч келиш мумкин. Шу босис коррупция сўнгги йилларда халқро микёсда трансмилий жиноят сифатида кенг муҳокама қилинаётган мавзулардан биридир.

5 март куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш борасида қилинган ишларга баҳо берилиб, келгуси вазифалар аниқ белгиланди. Юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича чора-тадбирлар муҳокама этилди. Коррупция ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва гов экани алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда, энг аввало, коррупцияга қарши курашиш сифат ва сон жиҳатдан мутлақо янги даражага кўтарилиши Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси мақсули эканлигини чуқур ҳис қилдим. Жумладан, давлат раҳбарининг жамиятни “ҳалоллик ваққинаси” билан “эмлаш” зарурати, ушбу иллатга мурасисиз кайфиятни яратиш, онг ўзгариши ҳақидаги фикрлари бу борадаги ишларга қўйилган тамал тоши бўлди, десак, асло муболаға эмас.

Йиғилишда коррупцияга тоқатсиз ёш авлодни тарбиялаш энг муҳим вазифа сифатида эътибор берилди. Болаликдан “ҳалоллик ваққинаси” билан эмланган янги авлодни камолга етказиш оиладан, маҳалладан бошланиши лозим. Ўзбекларда оилада мулоқот қилиш энг самарали профилактика ҳисобланган, ўз самарасини берган. Ота оила бошлиги сифатида камолга етказиб қўйилган фарзандларига коррупциянинг моҳиятини ҳаётий мисоллар билан тушунтириб бериши, шахсий намуна кўрсатиши лозим. Зеро, фарзанд ҳар вақт оиладан, ота-онадан, маҳалладан ибрат олади ва шунга интилади. Жамиятда оиланинг роли тобора ошиб бораётган бир вақтда, дунё ҳам оиланинг тарбиявий ўрни нақадар муҳим эканлигини англаб турган замонда ҳам биз ўзимизнинг миллий қадриятларимизга йўрилган таълим ва тарбияга алоҳида аҳамият қаратишимиз лозим.

Бу борада давлатимиз раҳбари коррупция бутун инсониятга, барча жамиятлар асосига, иқтисодий тараққиётга зарба берадиган, қонун устуворлигини бузадиган ва халқнинг давлат сиёсатига ишончини кескин сустайтирадиган, демократик институтлар ривожига тўсқинлик қиладиган хатарли таҳдид эканини айтиб, ёшларни ушбу иллатга қарши курашда асосий драйвер бўлиши лозимлигига ургуб берди.

Жамиятда устувор соҳа — таълим тизимида тахсил оладиган ўсимлар, ёшлар онгда толерантликни уйғотиш муаммоси олдимизда турибди. “Жамиятда порахўрлик иллатини энг иб бўлмайдми”, деган фикр ёшлар онгда шаклланиб қолгани энг катта камчилигимиз. Бу борада ўнгиланиш, силжик қилмасак, миллиямиз обрўсига коррупция иллати соя солиб туравермади. Токи биз оилада, боғчада, мактабда ўғил-қизларимиз онгига, рўҳиятига тамагирлик, порахўрлик ёмон иллатинга эмас, балки у жамиятимиз таназзули, иқтисодиётимиз орқага кетиши сабаби эканлигини сингирмасак, кўпроқ тарбиявий ва тарбият ишларини олиб бормасак, мақсад-муддаога эришишимиз қийин.

Коррупцияга қарши курашишда ёшлар таълим олаётган муассасанинг аҳамияти катта. Давлатимиз раҳбари йиғилишида “Бундан 7-8 йил аввал олий-гоҳларга ўқишга киришда таниш-билишчилик авж олган эди. Соҳа рақамлашди, имтиҳонлар онлайн трансляция бўляпти. Аввал тест топшириб, тўплаган баллига қараб, кейин олийгоҳни танлаш тизими жорий қилинди. Олий таълимда 35 турдаги ҳужжатларни инсон омилсиз олишга ўтилгани учун соҳадаги мурожаатлар 2,2 баравар камайди”, дея қуюнчаки билан олий таълимдаги коррупцияни эслади. Дарҳақиқат, таълим тизимини коррупциядан холи соҳага айлантиришга жуда катта эътибор қаратилганининг самараси бугун ҳаётимизда ҳис қилиб турибмиз. Жумладан, авваллари олий таълимга кириш, ўқиш, хаттоки, бирон таълим амалиётига юборишда ҳам маиший коррупциянинг саси келиб турарди. Абутириентнинг олий таълим муассасасига ҳужжат топширишдан тортиб имтиҳонларга, хаттоки, рейтинг дафтарчалари ҳам барчаси рақамлаштирилиши натижасида инсон омилга ўрин қолмади. Бунинг натижасида олий таълимга бўлган ишонч ошди.

Диққат қилсак, жаҳоннинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи даражада вазифа сифатида белгиланиши бежиз эмас. Таълим, мамлакатнинг келгуси равнақи учун асосий пойдевор ҳисобланади. Инсон ресурслари, яъни билими ва малакали кадрлар, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари коррупцияга қарши курашиш соҳасида реформани талаба ва ёшларнинг коррупцияга қарши лойиҳалари, стартап ва инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиши зарурлигига алоҳида аҳамият қаратишга чакирди.

Барчамизга маълумки, янгиланаётган Ўзбекистонда турли соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жаҳон ҳамжамияти нигоҳига юксак баҳоланмоқда. Айниқса, ёш авлодни тарбиялаш, таълим тизимини тубдан ислох қилиш ва кадрлар тайёрлаш борасида миллий моделнинг яратилгани халқро микёсда тобора эътиборга этиляпти. Кейинги йилларда олий таълим тизимининг ислохотлар доирасида ўқитиш сифати ва мазмунини халқро талаблар асосида такомиллаштириш, олийгоҳларнинг етакчи халқро рейтингларга қиришини таъминлаш, таълим жараёнига хорижий мутахассисларни кенг жалб қилиш, мутахассислик фанлари бўйича тала-

баларнинг назарий билим ва кўникмаларини амалиёт қилувчи йулун тарзда эгаллашга хизмат қилувчи механизмларни такомиллаштириш каби вазифалар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Аслида ҳам таълим соҳасидаги ютуқлар, мамлакатнинг глобал микёсдаги рақобатдошлигини оширади. Билимми авлод инновацияларни яратиш ва технологияларни ривожлантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш, замонавий технологиялардан фойдаланиш ва билим олиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Сунъий интеллект ҳаётимизга кириб келди, бу эса ўз-ўзидан коррупцияга қарши курашишнинг замонавий йўларини излашга бизни ундайди, албатта. Бу жараёнларда эса етакчи олий таълим муассасалари ва уларда тахсил олаётган минг-миглаб талабаларнинг ўрни катта. Талаба ва ёшларнинг коррупцияга қарши лойиҳалари, стартап ва инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш эса қўтилгандек самара бериши аниқ. Сабаби ёшларнинг онгу шуурида айнан коррупцияга қарши курашиш йўллари, мазкур иллатнинг зарарли оқибатлари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил бўлади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари коррупцияга қарши курашишнинг янги яхлит тизимини тушунтириб берди, ҳафталик, ойлик, чораклик, йиллик ишлар аниқ белгилаб олинди. Бунда парламент, ижро ва суд органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, илмий ва таълим муассасаларининг аниқ вазифалари мустаҳкамлаб қўйилди.

Албатта, биз, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурдаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳам ушбу вазифаларга ўта жиддий ёндашиб, тенгдошларимиз онгига ва қалбига “ҳалоллик ваққинаси” тарқатишда, бу жирканч иллатга нисбатан мурасисиз кайфиятни шакллантиришда, шунингдек, ҳудудларда депутатлар билан биргаликда коррупцияни келтириб чиқарадиган омилларни аниқлашимиз, уларга барҳам бериш, бунинг учун қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тинимсиз қатъий ишланишимиз зарур.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати ушбу иллатга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолатни таъминлаш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқро майдондаги обрў-эътиборини ошириш каби эзгу мақсадларга асос бўлади. Зеро, коррупцияга қарши курашни умуммиллий вазифа сифатида виждон ишига айлантирсак, ёшларнинг ҳалоллик, шафқофликка онгу шуурини сафарбар этсак, коррупциянинг илдиизига сув берадиган бекфарқлиқни бартараф эта олсаккина ушбу иллатни таг-томири билан қўпириб ташлашимиз мумкин.

Отабек СОБИТОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурдаги Ёшлар парламенти раиси.

## ҲАР БИР ФУҚАРО ЗИММАСИДАГИ БУРЧ

Кейинги пайтларда бу иллатнинг янги-янги турлари намоён бўлмоқда. Илғор технологияларнинг ҳаётга татбиқ этилиши тараққиёт учун самарали бўлса-да, айрим ҳолларда бу нарса коррупциянинг янги бир кўриниши — киберкоррупциянинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Шу сабабли Сенатда киберкоррупцияга қарши курашишни ҳуқуқий асослар билан мустаҳкамлаш, халқро тажрибани ўрганиш ва парламент назоратини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Унда коррупцияга қарши курашишда нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг аҳамияти қайд этилди. Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқро конвенция талабларини мониторинг қилиш жараёнига нодавлат ташкилотларни кенг жалб этиш орқали бу жараёнда самарадорликка эришиш мумкинлиги таъкидланди.

Шунингдек, фуқаролар учун қулай шарт-шароитлар яратиш

орқали коррупциянинг олдини олиш механизмлари ривожлантириш вазифаси ҳам белгиланди. Масалан, аҳоли газ, сув, электр, субсидиялар, пенсия ва бошқа ижтимоий масалаларда идорама-идора юрмасдан, онлайн тарзда мурожаат қилиш ва тезкор жавоб олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса бюрократик тўсиқларни камайтириш билан бирга, коррупцияга йўл қўймасликка ҳам хизмат қилади.

Йиғилиш якунида коррупцияга қарши кураш нафақат давлат органлари, балки ҳар бир фуқаро зиммасидаги бурч экани қайд этилди. Жамиятда ҳуқуқий онгни ошириш, шафқофликни таъминлаш ва парламент назоратини кучайтириш орқалигина мазкур иллатга барҳам бериш мумкин. Бу эса барча давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларидан ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишни тақозо этади.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,  
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси.

## СОҒЛОМ МУҲИТ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

Коррупция ҳар қандай жамиятнинг тараққиётга жиддий таҳдид солуви ҳисобланади. Шу босис коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда айнан шу масала — коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар батафсил муҳокама қилинди.

Йиғилишда коррупцияга энг кўп мойил соҳалардан бири — йирик инвестиция лойиҳалари экани қайд этилди ва бундай лойиҳаларни амалга оширишда коррупцияга қарши курашга стандартларни татбиқ қилиш, шунингдек, аукцион шартларини рақобатбардорлик экспертизасидан ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Янги тартибга мувофиқ, “Шафқоф қурилиш” платформаси нафақат маҳаллий, балки халқро молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳалар учун ҳам жорий этилади. Дастлаб бу тизим субпудратчиларни жалб қилиш ва инвестиция ҳажми

1 миллион долларгача бўлган лойиҳаларга татбиқ этилади. Шу тариқа йирик қурилиш ва инвестиция лойиҳаларида манфаатлар тўқнашуви ҳамда коррупциянинг келишувларнинг олдини олиш мумкин бўлади.

Бу жараёнда биз, маҳаллий Кенгаш вакиллари ушбу ислохотларнинг ижросини назорат қилиш, жойларда аҳоли билан мулоқот ўтказиб, коррупцияга қарши кураш бўйича тушунтириш ишларини олиб беришимиз шарт. Ана шундангина Президентимиз томонидан барчанинг олдида қўйилган бундай масъулиятли вазифани удралаш мумкин. Фақат давлат идоралари эмас, балки кенг жамоатчилик ҳам ушбу жараёнда фаол иштирок этса, мамлакатимизда коррупциядан холи муҳит яратиш мумкин бўлади.

Парда ШУКУРОВ,  
халқ депутлатлари Жиззах вилояти Кенгаши раиси.

## ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА ҲАВО МУСАФФОЛИГИ ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНАДИ

Таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчиликда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талаблари ва шаҳарсозлик қоидалари доирасида айнан қурилишда чанг ва кум зарраларининг ҳавога кўтарилишига йўл қўйганлик учун аниқ жавобгарлик назарда тутилмаган.

Президентимиз томонидан шу йил 3 март куни имзоланган “Қурилиш майдонларида чанг ва кум зарраларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этишга доир мажбурий талаблар белгилашни муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ва ўзгариш киритиш ҳақида”ги Қонун юқоридаги муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ушбу Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қурилиш майдонларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига рия этмаганлик учун жавобгарликни бел-

гиловчи қўшимчалар ва ўзгариш киритилди. Яъни, ўлчам беш юз квадрат метр ва ундан ортқ бўлган қурилиш майдонларида, унга туташ бўлган ҳудудда ҳамда ундан чиқши йўларида чанг ва кум зарраларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этишга доир мажбурий талабларни бузиш ёхуд ушбу ҳудудларда ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлардан ортқ даражада атмосфера ҳавосига чиқарилишига йўл қўйиш мансабдор шахсларга БҲМнинг 10 баравари миқдориди жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такорр содир этилса, мансабдор шахслар БҲМнинг 50 баравари миқдориди жарима тортилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш қатъий белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.

Бунда, қурилиш майдонларида чанг ва кум зарраларининг ҳавога кўтарилиши локал таъсир кўрсатиш ҳолати ҳисобланиб, Давлат экологик назорати инспекциясининг масъул ходимлари томонидан юқори сезувчанликка эга бўлган махсус лаборатория ускуналари ва воситалари билан жойига чиққан ҳолда ўрганилади ва атмосфера ҳавосидан намуналар олинади.

Тахлил юқори сезувчанликка эга бўлган “ЭКОЛАБ” русумли кўп компонентли газоанализатор, термоанемометр, “testo 425” русумидаги анализаторлар бердамида амалга оширилади. Натижалар белгиланган меъёрлар билан солиштирилган ҳолда аниқланади.

Агар бир ҳудудда бир нечта юридик ёки жисмоний шахслар томонидан қурилишлар олиб борилаётган бўлса, ҳуқуқбузарлик уларнинг жойлашуви ва шамол йўналиши ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

Яна бир муҳим жиҳати, назорат тадбирлар-

рида қурилиш жараёнида дастлаб юк автотранспортларининг кириб чиқиши, кўз билан илгарилаётганлиги, чанг бостириш учун осма сув сепкиларни ўрнатилганлиги ва уларнинг ишлайётганлиги, шамол таъсирида ҳавога кўтарилиши мумкин бўлган қурилиш маҳсулотлари ёки қурилиш чиқиндиларининг очиқ ҳолда сақланаётганлигига эътибор берилди.

Умуман, қонунда белгиланган нормалар фуқароларнинг ўз ҳаёти ва соғлиги учун қулай атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳуқуқларини таъминлашга, чанг ва кум зарраларининг ҳавога кўтарилишини бартараф қилишга, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш ва уларнинг шахсий жавобгарлиги ҳамда масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Бекмирза ЭШМИРЗАЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

БУХОРО ВИЛОЯТИ ТАЖРИБАСИ:

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ҚАДАМ

Сифатли таълим — мамлакат ва инсоният келажagini белгилловчи асосий куч. Ривожланган давлатлар таълими шуни кўрсатмоқдаки, бу тизим кучли бўлган жамиятларда инновация, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорлик таъминланади.

Таълим ва тарбияси, деб жавоб бераман, деган иқдорларидан ҳам тегишли хулоса чиқаришимиз зарур. Улуғ мутафаккир ва давлат арбоби Юсуф Хос Ҳожиб "Заковат бор жойда улуглик бўлади, билим бор жойда буюклик бўлади", деб бежиз таъкидламаган.

Бугун қайси соҳа ва тизимда фаолият кўрсатмайлик, билрамиз вазирамиз таълим ва тарбия тизимидаги оқсоқилларни топиш ва бартараф этишга, ислохотларга ҳисса қўшишга қаратилиши лозим.

тарзи билан яқиндан танишиш, янги илм ва кўникмаларга эга бўлиш, паромларда сەҳнат қилиш каби тадбирларни ўз ичига олади. "Педагогик технологиялар ва маҳорат" йўналишида малака ошириш курси хорижий таълим тенденциялари, ўқитиш методикасини ўрганиш имкониятини беради. Келгусида бу устозлар орқали вилоят таълим тизими халқаро илгор тажрибалар кириб бориши ва оммалаштирилиши кўзда тутилмоқда.

ташкilotлар, хусусий сектор ва халқаро таълим институтларини ҳам жалб қилиш талаб этилади.

Олимпиадани босқичма-босқич жорий этиш — дастлаб республиканинг энг йирик шаҳар ва вилоят марказларида пилот лойиҳалар сифатида бошлаб, босқичма-босқич барча ҳудудга кенгайтириб бориш, мавжуд ҳудудий таълим рейтинг тизимига интеграция қилиш зарур.

Фан доираларини кенгайтириш ва дифференциал ёндашиш — фақат математика эмас, балки физика ва информатика каби фанларни ҳам қамраб олиш, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда тизимлардаги энг фаол ўқитувчилар элликталикларини саралаб, хориждаги илгор тажриба ўқоқларида стажировка ўташлари, касбий малака оширишларига қўмақлашиш мақсадга мувофиқ.

Рағбатлантириш тизимини кучайтириш — голиб ўқитувчиларга хорижий тажриба алмашиш имкониятларини янада кенгайтириш, молиявий рағбат (мукофот пули, устима) ва академик имтиёзлар (магистратура, докторантура грантлари) бериш керак.

Технологик ва методик қўллаб-қувватлаш — фанлар кесимида бир неча онлайн олимпиадалар жорий қилиш ва масофавий қатнашиш имкониятини яратиш, педагоглар учун илгор ўқитиш услубларини ўзлаштиришга йўналтирилган махсус семинар ва тренинглар ташкил этиш лозим.

Таълимнинг тараққиётга таъсири борасидаги асосий жиҳатларга назар ташлаш керак. Ривожланган мамлакатларда таълим тизими малакали ишчи кучини тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади. Замонавий технологияларни яратиш ва қўллаш учун ҳам юқори даражадаги билим талаб этилади. Сифатли таълим ижтимоий табақаланишнинг олдини олади ва аҳолининг турмуш даражасини оширади.

Асосийси, таълим инсонларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, демократик жамият қурилишига хизмат қилади. Юқори билим даражасига эга жамиятда коррупция ҳолати учрамайди, давлат бошқаруви самарали бўлади. Илмий инсонлар жамиятида қонунлар устуворлиги таъминланади, ҳуқуқбузарлик ва иллатлар кам учрайди.

Шу нуктаи назардан "Прокурор соврини" олимпиадасини ўтказиш бўйича Бухоро вилояти таълим тизими республиканинг барча ҳудудда оммалаштиришнинг қатор афзалликлари ва йўллари бор.

Хусусан, марказлаштирилган корпоратив ва ҳамкорлик йўлига йўналтирилган таълим тизими — Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, республика ва вилоят прокуратуралари, Халқаро Нордик университети ҳамда "ИДС" таълим маркази, ҳудудлардаги таълим муассасалари ҳамкорлигида мамлакат миқёсида ягона тизимли ёндашув ишлаб чиқиш, нодавлат

Фидойилар — эҳтиромда

Жорий йилнинг 22 февраль куни иккинчи бор "Прокурор соврини" олимпиадаси юқори савияда ўтказилди. Бу галги мусобақада нафақат математика фани, балки физика фани устозлари ҳам қамраб олинди. Олимпиадада иқтидорли, касбий маҳорати юқори, ўқитиш жараёнига илгор методлар, янги педагогик технологияларни кенг татбиқ этаётган, ўқувчи-ёшларнинг аниқларга қизиқишини ошираётган фидойи ўқитувчиларни аниқлаш ва рағбатлантиришга аҳамият қаратилди.

Беллашувда Бухоро вилоятидаги логияга асосланган ўқув дастурурига эга. Германиянинг дуал таълим имкониятлари кенг. Нидерландияда мослашувчан, барча болалар учун сифатли бошланғич таълим тизими мавжуд. Канада таълим тизими барқарорлиги ва арзонлиги билан ўзига хосдир. Энг инновацион ва илгор таълим тизими эга бўлган Қатарда академик муҳитнинг бошқа тизимларга ижобий таъсири кўрилатди. Бельгияда ўқувчилар нафақат умумий таълим, балки кўпроқ йўналтирилган билим олиш имкониятига эга. Шу каби ўнлаб илгор давлатлар тажрибаларини ўрганиш асосида ўз географик, ижтимоий ва маданий келиб чиқишимизга кўра энг мақбул йўллари жорий этиш чоралари белгилаб олинди.

Шунингдек, "Ўзбекистон — 2030" стратегияси ва Президентимизнинг "Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар ижроси доирасида вилоятдаги ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида фан олимпиадалари ўтказиш аҳанаси йўлга қўйилди.

Утган йили Бухоро вилоятида 3 ва 4-синф ўқувчилари ўртасида математика фанидан "Прокурор соврини" мусобақаси ўтказилиб, унда ҳар бир туман ва шаҳардан 1, 2, 3-ўринни олган иқтидор соҳиблари тақдирланди. Шунингдек, вилоят миқёсида 3-синфлар ўртасида 4 нафар, 4-синфлар ўртасида 3 нафар голиб ўқувчи аниқланди ва муносиб рағбатлантирилди.

Шунингдек, вилоятдаги математика фани ўқитувчилари ўртасида илк бор "Прокурор соврини" олимпиадаси бўлиб ўтди. Билимлар беллашувининг финал босқичида 48 нафар педагогнинг билим ва маҳорати синовдан ўтказилди. 1-ўринни кўлга киритган математика фани

Олимпиада Бухоро вилоятида таълим сифати ва самардорлигини янада юксалтириш, ўқувчиларга пухта математик билимлар бериш, республика ва халқаро миқёсда нуфузли мусобақаларда муваффақият қозонишларига замин яратиш бераётган малакали устозларни аниқлаш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб борилади. Ҳудудда ўқитувчилар ўртасида фан олимпиадаларини ўтказиш тизимини такомиллаштириш, аниқ фанлар, жумладан, математика ва физика фанларини ўқитиш бўйича энг яхши муаллимларни аниқлаш ва рағбатлантириш, уларнинг рейтинг тизимини юритиш режалаштирилмоқда. Бухоро вилояти таълими сифатида бу эзу ташаббусни барча ҳудудда жорий этиш мақсадага мувофиқ.

Барқарор ҳаёт асоси

Таълимнинг тараққиётга таъсири борасидаги асосий жиҳатларга назар ташлаш керак. Ривожланган мамлакатларда таълим тизими малакали ишчи кучини тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади. Замонавий технологияларни яратиш ва қўллаш учун ҳам юқори даражадаги билим талаб этилади.

Сифатли таълим ижтимоий табақаланишнинг олдини олади ва аҳолининг турмуш даражасини оширади.

Асосийси, таълим инсонларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, демократик жамият қурилишига хизмат қилади. Юқори билим даражасига эга жамиятда коррупция ҳолати учрамайди, давлат бошқаруви самарали бўлади. Илмий инсонлар жамиятида қонунлар устуворлиги таъминланади, ҳуқуқбузарлик ва иллатлар кам учрайди.

Шу нуктаи назардан "Прокурор соврини" олимпиадасини ўтказиш бўйича Бухоро вилояти таълими республиканинг барча ҳудудда оммалаштиришнинг қатор афзалликлари ва йўллари бор.

Хусусан, марказлаштирилган корпоратив ва ҳамкорлик йўлига йўналтирилган таълим тизими — Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, республика ва вилоят прокуратуралари, Халқаро Нордик университети ҳамда "ИДС" таълим маркази, ҳудудлардаги таълим муассасалари ҳамкорлигида мамлакат миқёсида ягона тизимли ёндашув ишлаб чиқиш, нодавлат

Ташаббус

«Прокурор соврини» олимпиадаси оммалашди

Бухоро вилояти прокуратураси, Халқаро Нордик университети ва "ИДС" таълим маркази профессор-олимлари ҳамкорлигида умумтаълим мактабларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш мақсадида қатор ташаббуслар, пилот лойиҳалар ишлаб чиқилаётгани ва ҳаётга татбиқ этилаётгани бу йўналишдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. «Прокурор соврини» олимпиадаси орқали вилоятдаги нафақат марказий, балки энг чекка ҳудудлардаги мактабларгача кириб боришга эришилди.



лишларига эътибори билан ўзига хос хусусият касб этади. Япония интизом ва ахлоқий тарбияга катта урғу берилувчи, илм-фан ва технологияга асосланган ўқув дастурурига эга. Германиянинг дуал таълим имкониятлари кенг. Нидерландияда мослашувчан, барча болалар учун сифатли бошланғич таълим тизими мавжуд. Канада таълим тизими барқарорлиги ва арзонлиги билан ўзига хосдир. Энг инновацион ва илгор таълим тизими эга бўлган Қатарда академик муҳитнинг бошқа тизимларга ижобий таъсири кўрилатди. Бельгияда ўқувчилар нафақат умумий таълим, балки кўпроқ йўналтирилган билим олиш имкониятига эга. Шу каби ўнлаб илгор давлатлар тажрибаларини ўрганиш асосида ўз географик, ижтимоий ва маданий келиб чиқишимизга кўра энг мақбул йўллари жорий этиш чоралари белгилаб олинди.

Умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, академик лицейлар, давлат ва нодавлат ўқув муассасалари ўқитувчилари ва ўқувчилари ўртасида фан олимпиадалари ўтказиш орқали уларнинг ўз билимларини оширишга қизиқишлари рағбатлантирилмоқда. Олимпиада иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, шу билан бирга, малакасини доимий ошириб боровчи мутоахассис-ўқитувчиларни кўллаб-қувватлаш, уларни халқаро тажрибалар билан таъминлашга йўналтирилган. Бу, шубҳасиз, таълим тизимида илгор тажрибаларни янада кенгрок жорий этиш, педагоглар, ўқувчиларнинг соғлом рақобат муҳитини яратиш, жаҳон олимпиадаларида муваффақият қозонаётган ёшлар сафини кенгайтиришга хизмат қилади.

Мазкур лойиҳа орқали дунёнинг ривожланган давлатларидаги илгор таълим тажрибаларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиб чиқишга эътибор қаратилди. Бунда ўқув дастуруларининг сифати, ўқитувчиларнинг малакаси, инфратузилма, инновацион ёндашув ва халқаро рейтинглардаги натижалар кўзда тутилди. Жумладан, маҳаллий таълим тизими эркинлик ва тенглик тамойилларига асосланган Финляндия, ўқитувчиларга ҳамда касб-ҳунар таълимига катта урғу берилмаган, давлат мактабларида кўп тили таълим ва амалиётга таянувчи Швеция, инновацион таълим дастурулари, математика, ўқувчиларнинг мантикий фикрланиши ривожлантириш бўйича энг юқори натижаларга эга Сингапур тажрибалари таҳлилий ўрганилди.

Бундан ташқари, таҳлиллар шуни кўрсатадики, Жанубий Корея таълим тизими юқори интизом ва талабчанлик, STEM (фан, технология, муҳандислик, математика) йўна-

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

«Ўзбекистон — Франция» биринчи тиббиёт форуми

Париж шаҳри муносабатлари янги босқичга кўтаришга қаратилган йирик анжуман — "Ўзбекистон — Франция" биринчи тиббиёт форумига мезбонлик қилди.



ССВ матбуот хизмати хабарига кўра ушбу нуфузли тадбирда икки давлат соғлиқни сақлаш вазирликлари, йирик тиббиёт марказлари, клиникалари, шифохоналари ва олий ўқув юртлири раҳбарлари, фармацевтикага ихтисослаштирилган етакчи компаниялар масъуллари қатнашди.

Форум Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳасида Франция ютуқларини ўрганиш ва оммалаштириш, касалликларни эрта босқичда аниқлаш ва самарали даволашда илгор тиббий технологиялар ҳамда рақамли ечимларни жорий қилиш масалалари юзасидан тажриба алмашиш имконини берди.

Анжуман доирасида онкология, шошилинч тиббий ёрдам, мутахассислар малакасини ошириш каби йўналишларда панель муҳокамалари ва "B2B" музокаралари ўтказилди.

Археологлар учун зарур қурилма

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика-техника институтига замонавий янги "SEM" (Scanning Electron Microscope. Joel 5100) қурилмаси келтирилди.



Мазкур микроскоп юқори аниқликка эга бўлиб, намуналарни 3 анметрча катталаштириб ўрганиш имконини беради. Археологик ашёлар таҳлилда, яъни қадимги металл буюмларнинг (куроллар, тангалар, заргарлик буюмлари) коррозия ва деградациясини текширади.

Шу билан бирга, кўлчилик ишлаб чиқариш техникасини аниқлаш учун сирт текстурасини ҳамда хомашё манбаларини ва минерал қўшимчаларни, ўз навбатида, суяк ҳамда тишларни таҳлил қилиш, скелет қолдиқларида дианетик ўзгаришларни (ўлимдан кейинги ўзгаришлар) аниқлаб беради.

Ҳамюртимиз халқаро нотиклик танлови голиби

Япониянинг Токио шаҳрида 22-мартаба чет элликлар ўртасида Халқаро япон тили нотиклик санъати танлови бўлиб ўтди.

Ушбу нуфузли тадбирда Ўзбекистон, Канада, Вьет-



нам, Россия, Жанубий Корея, Хитой, Непал, Тайвандан ҳамда Япониянинг Токио шаҳрида 22-мартаба чет элликлар ўртасида Халқаро япон тили нотиклик санъати танлови бўлиб ўтди.

Ушбу нуфузли тадбирда Ўзбекистон, Канада, Вьет-

Самарқанд давлат тиббиёт университети жамоаси тиббиёт фанлари номзоди, профессор, университет бошланғич касаб уюшма кўмитаси раиси Яхшинон АЛЛАЯРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Қалб гавҳари, кўзларнинг нури

Аёл — меҳр-муҳаббат булоғи, бахт-саодат қасри, вафо-садоқат тирмоли. Оилада ота кўрган саналса, унинг давомийлигини таъминловчи, кўрмага-кўрк берувчи айнан аёл, яъни она, муноси опа-сингилларимиз ҳисобланади. Аёл бор экан, ҳаёт давом этади, унинг шухуқи янада ортади, меҳр-муҳаббат туйғуси гуркурайди.

Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги фаоллиги ҳамда турмуш даражасини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу борадаги амалий ишларни нафақат ватандошларимиз, балки хорижликлар ҳам эътироф этмоқда.

Аёлларни эъзозлаш бўйича юртимизда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар юзасидан қардошларимиз ҳам ўз мулоҳазалари, дил сўзларини йўллашди.

Дунё нигоҳи

Анар АҲМАДОВ, «Аскар» газетаси муҳаррири (Озарбайжон):

— Инсоният яралибдики, аёлга эҳтиром кўрсатади, шарафлайди, бетақдор жумлаларда мадҳ этади. Ҳўш, нега? Чунки айнан у биз — эркекларнинг толмас қанотимиз, дунёнинг тугаллиги, ҳаётнинг давомийлиги, борлиқнинг нафосатини таъминлаб туради. У бир вақтнинг ўзида бизга бахт, туганмас меҳр ва оташин муҳаббат беришга ҳам қодир. Ана энди айтинг, уни ар-




докламай бўлади? Аёл ва келажак сўзлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Сабабимиз, у келажак авлоднинг баркамол руҳда вояга етишида салоҳиятли мураббий, жонқуяр устоз ҳисобланади. Шу маънода, "аёлни асраган элнинг толеси баланд ва чароғон бўлади", деган сўз бежиз айтилмаган. Қардош Ўзбекистонда аёл-қизларга эътибор нақадар юксаклигини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Куни кеча ўзбекистонлик

дўстларимдан бири аёл-қизларнинг таълим олиши борасидаги янгиликлар ҳақида айтиб қолди. Унга кўра Ўзбекистондаги талабаларнинг 52 фоиздан ортигини хотин-қизлар ташкил этар экан. Тагин утган йилнинг ўзида магистратурада ўқиётган 15 мингга яқин аёл-қизларнинг шартнома пули тўлаб берилибди. Офарин! Очиғи, одамнинг ҳаваси келади.

Буржу йилмаз, Истанбул университети докторанти (Туркия):

— Аёл мунаввар осмоннинг ёруғ юлдузи, у гўё самода ойни қўлида тутиб оламни чароғон этадиган, офтобни уйғотиб бутун борлиққа ҳаёт бағишлайдиган Зурро юлдузига ўхшайди. У муаззам бир гулшан аро яратилганки, шу боис ҳаммиша гулларга қиёс этилади. Аёл меҳридан кўнглилар яшайди, муҳаббатидан озурда қалблар масрурлик туюди. Тан олиш керак, аёл бўлиш бир вақтнинг ўзида ҳам шарафли, ҳам машаққатли иш. Чунки уй ишлари, бола тарбияси, оиланинг камини ёпиш, рўзгор ташвишлари ҳам унинг зиммасида. Аёлнинг баъзан ўнта қўли бор-



ми, деб ўйлаб қоламан. Кейин рамзий маънода бор дейман ўзимга-ўзим, агар бундай бўлмаганда у шунча ишга улгуролмаган бўларди-да. "Қудратли аёл" деган калом юради тилимизда. Ҳўш, бу оғиз ва нозик хилқатнинг қудрати нимадир? Албатта, сўлмас меҳру муҳаббатидир. Ахир, дунёда бундан қўлироқ нурси йўл-ку, тўғри эмасми? Унутмаслик жоизки, аёлни эъзозлаш — бугун ва келажакки, жамият ва миллатни эъзозлаш, дегани. Ўзбекистонда олиб борилаётган эзгу ва хайрли ишлар замирида хотин-қизларга улкан эътибор ва ғамхўрлик борлигини сезиш қийин эмас. Чунки ўзбекистонлик қай бир дугонам билан гаплашмай, унинг қувноқ сўзларини қанчагана кўзлари барини айтиб туради, яъни унинг ҳаёти, тақдири ва бугунидан розилиги яққол сезилади. Илоҳим, ўзбек аёлларининг гўзал тақдири, ёруғ бахти, шодон кўлгисига кўз тегмасин!

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Мамлакатимизда «Ёшлик баҳори» республика ёш опера ижрочилари фестивали бўлиб ўтади.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper, including contact information for the editorial office and subscription details.